=8 0796

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 15 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 43 (6740)

Даъват

Ҳар бир кишининг сўзи — ўз фазилатларининг далили ва ақлининг таржимонидир.

Адиб АҲМАД.

Ибрат

Яккабоғ туманидаги 87-ўрта мактаб биноси ва синф хоналари қайтадан таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қуйилди. Барча сарф-харажатларни туман ҳокимияти ўз зиммасига олди.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Мактабларда ўқиш аллақачон тугаб, биноларни , таълим анжомларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари бошланиб кетди. Ҳолбуки мактаб янги ўқув мавсумига шай бўлсагина, муаллимнинг ёзги таътили хотиржамликда ўтади.

Андижон вилоятида бу иш вилоят халқ таълими бошқармасининг назорати остида жадал олиб бориляпти. Мазкур кенг қамровли ҳашар мазмунидаги таъмирлашларга туман ва шаҳарлардаги барча корхона ва ташкилотлар, жамоа ширкат хўжаликлари жалб этилган.

Вилоят ҳокимлиги 18 май куни халқ таълими тасарруфидаги муассасаларни таъмирлаш ва кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ушбу ҳужжатга асосан барча туман ва шаҳарлардаги таълим муассасаларига биттадан бақувват ҳомий ташкилот бириктирилди. Ҳомийлар ўз оталиғидаги зиё масканларини зарур маблағ билан таъминладилар. Мана, орадан атиги 10 кун ўтди.Бугунги кунда вилоятдаги учта туман халқ таълими бўлимидан, яъни Марҳамат ва Андижон туманлари 5 июнь куни, Шаҳрихон тумани 10 июнь куни янги ўқув йилига тайёргарликни тугаллаганликлари ҳақида ахборот беришди.

Тайёргарликнинг барвақт тугалланишида Андижон вилоятида аввалдан пухта замин мавжуд. Мисол учун мактабларда давлат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш натижасида биргина Марҳамат туманида 4, 12, 13, 30 каби жами 10 мактаб ўқув йилини таъмирсиз кутиб олаяпти. Шунингдек, бу ерларда янги ўқув йилига сифатли ҳозирлик кўришга ҳаракат бундан 6 ой олдин бошланган.

Тумандаги 38 та мактаб, 17 боғча ва 6 та мактабдан ташқари муассасалардаги жиҳозлар таъмири учун жами 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бунинг асосий қисмини ҳомий ташкилотлар тўлашди.

Шаҳрихон туманидаги 48 та мактаб, 55 та боғча ва 5 та мактабдан ташқари муассасалар таъмири учун маҳаллий бюджетдан ҳозирги иқтисодий тақчиллик сабабли, 3,6 миллион ўрнига бор-йўғи 700 минг сўм пул ажратилди. Ҳамма ҳомий ташкилотлар бу борадаги муаммони 4,3 миллион сўм сарфлаш билан ҳал этдилар.

Мактабларда даромад ишлаб топиш кенг йўлга қўйилган. Бу ерларда оҳак цехи, тегирмонлар бор. Боғ-роғлар, экин-тикинлардан ҳам яхшигина фойда олиняпти. Мисол учун тумандаги 20-мактаб ўтган йили ёрдамчи хўжаликдан 70 минг сўм даромад қилди. Бу пулларнинг ҳаммаси мактабнинг моддий асосини мустаҳкамлашга сарфланаяпти.

Туман мактабларидаги жиҳозлардан 5500 та парта, 3800 та стол, 9700 та стул, 500 та синф доскаси, 20 мингдан ортиқ кўргазмали қуроллар, 4100 дарслик ва 1600 квадрат метр дераза ойнаси таъмирланди.

Андижон туманида ҳам жорий таъмир янги ялпи мавсумий тайёргарлик ишлари ўз ниҳоясига етди. Туманда капитал таъмир ҳали ҳам давом этмоқда.

Шу кунларда вилоятнинг Хўжаобод, Қўрғонтепа, Балиқчи, Пахтаобод каби туман маорифчилари ҳам таъмирлаш ишларини тугаллаш арафасида турибдилар. Умуман, вилоятда 12 та халқ таълими бўлими мавжуд бўлиб, булардаги янги ўқув йилига тайёргарлик 1 июлга қадар ўз ниҳоясига етказилади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақолани тайёрлаш жараёнида Андижондан яна бир хушхабар олдик. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан таъмирлаш ишларида фаол кўрсатган Марҳамат, Андижон ва Шаҳрихон туманлари халқ таълими бўлимларига «УзДЭУ» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида тайёрланган Дамас маркали микроавтобусдан биттадан, Марҳамат халқ таълими бўлимига эса битта ТИКО автомобили совға қилди. Шунингдек, таъмирлашни вақтидан аввал тугатган мазкур туманлар ҳамда шаҳар халқ таълими бўлимларига қўшимча мукофот сифатида юмшоқ мебеллар жамланмаси тақдим этилибди.

Ёз — ўтмоқда соз!



Тошкент шаҳридаги 186-мактабда ўқувчиларнинг таътил кунларини мароқли ўтказиш мақсадида ажойиб лагерь ташкил этилган. Бу ерда шаҳарнинг тўртта мактабидан саралаб олинган 100 нафар бола мириқиб дам олмоқда.

Лагерда болалар турли ҳаракатли ўйинлар ўйнайдилар, «Қувноқ стартлар» мусобақаси, конкурс ҳамда викториналарда иштирок этадилар, саёҳатларга чиқадилар. Умуман, бу масканда болажонларга илиқ табассум, қувончли лаҳзалар бахш этувчи шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Лагерь бошлиғи Гавҳар Тўлаганова эса доимо улар билан бирга.

СУРАТЛАРДА: лагер ҳаётидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

БОҒЧАПАРВАР РАИС

«Дилором» болалар боғчасида бўлганимизда биз даставвал жамоа хўжалиги раиси Шавкат ака Бобоназаровга дуч келдик. Ўзаро танишиб олгач, раис бизни «Дилором» боғчасига бошлади. Бу ердаги шарт-шароит, жиҳоздан тортиб, ҳатто «Бобойжоним, кампиржоним...», — дея Хоразм халқ лапарини қойилмақом қилиб ижро этаётган Дилшодбек Очилов, Дилдора Мустафоева сингари кичкинтойларгача — ҳамма-ҳамма раисга таниш бўлганлигидан хурсанд бўлдик. «Шавкат ака, деярли ҳар куни боғчага кириб ўтадилар, — дейди боғча мудираси Майсара опа Рўзиева, — боғчамизда тарбияланаётган 60 нафар кичкинтой учун ейиш-ичишдан тортиб, бадиий дастамиз кийим-кечакларигача, ҳамма-ҳамма шарт-шароит яратилган...»

— Ҳозирча жамоа хўжалигимизда 3 та боғча бор. Насиб бўлса, яна битта боғча очамиз, — дейди Шавкат ака. — Жамоа хўжалигимиздаги барча боғча ва мактабларни таъмирлаб берамиз, турли-туман тадбирларда ҳар томонлама ёрдам кўрсатамиз... Ахир, болалар бизнинг келажагимиз-ку!

Хурсанд бўлдик. Қани энди ҳамма раислар ҳам Шавкат ака Бобоназаровдек боғчасевар бўлса!

Махсус мухбиримиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти шу ҳафта бошида Қашқадарё вилоятида бўлди. Асосан воҳа аҳли, деҳқонлар билан бўлган ўзаро мулоқот ва учрашувларда Президентимиз улар меҳнати маҳсули эртанги Ўзбекистон учун қувват бўлишини, уларга ишлаш ва дам олиш учун керакли шароит яратилишини қаттиқ назорат қилишини таъкидлади.

❀ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 13 июнь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср иқтисодиёт ва халқаро ҳамкорлик вазири Навал Абдул Мунайм ал Татавийни қабул қилди.

Шу куниёқ Ислом Каримов Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Жак де Ларозьер раҳбарлигидаги делегацияни ҳам қабул қилди.

❀ Республика Киночилар уйида Халқаро қизил хоч қўмитаси ва Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳамкорлигида «Инсонпарварлик ва уруш» мавзусига бағишланган кўргазма очилди.

❀ Назран шаҳрида Чеченистонда аҳволни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган аҳдлашув қатнашчилари беш кунлик музокаралардан сўнг ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш механизмини кўзда тутган баённомани имзолашди. Грозний ҳукумати эса чечен ички сайловларининг бошқа муддатга қолдирилганлигига эътироз билдирмоқда. Мухолифатчилар ва федерал қўшинлар ўртасидаги тўқнашувлар эса давом этмоқда.

❀ АҚШнинг нодавлат мудофаа ахборот маркази хабарига кўра, Америка ҳарбий бюджети 1996 йилда 254 млрд. долларни ташкил этаркан. Бу Россия ҳарбий бюджетидан 4 баробар кўп.

❀ Япония Вазирлар Маҳкамаси КХДР-га ўз халқини озиқ-овқат билан таъминлашдаги мушкул ҳолга тушганлиги боис 6 млн. доллар ҳажмида инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди.

Абитуриент-96

«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Узбекистон Республикаси Давлат тест маркази нашри бўлган «Ахборотнома»нинг бешинчи сони ҳам босмадан чиқди. Унда рус тили ва адабиёти (иккинчи тил), тарих, география, кимё, физика фанларидан абитуриентлар учун тест саволлари берилган. Шунингдек Давлат тест маркази томонидан белгиланган вилоят, туман, шаҳар ва шаҳар туманлари кодлари, ўтган сонларда йўл қўйилган хатоликларга тузатишлар ҳам журналдан жой олган.

«БИТИРУВ КЕЧАСИ» – УНУТИЛМАС БАЙРАМ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида «Битирув кечаси» ни шу йил 19 июнь куни эрталабки салқиндан соат 16. 00 гача ўтказишни тавсия этди.

Билим масканларида сўнгги имтиҳонларни топшириб, катта довон ошган мактаб битирувчилари ва уларнинг устоз-мураббийлари ҳаётидаги энг ҳаяжонли ва унутилмас дамлар яқинлашмоқда. Бу мустақил ҳаёт сари илк қадам қўяётганлар байрами — «Битирув кечаси»дир. Бугунги кунда барча мактабларда ана шу шодиёнани мазмунли, бир умр эсда қоладиган, унинг барча иштирокчиларига оламолам завқ-шавқ бағишлайдиган тарзда ўтказиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Шодиёна кечаси ҳар бир битирувчининг ўзига хос ҳисобот онларидир. У мустақил Ватан, эл-юрт олдида, севимли устозлари, ота-оналари, жамоатчилик олдида 11 йил давомида олган билимларини сарҳисоб қилиш орқали, одоб-ахлоқ борасидаги таълими натижаси камолоти орқали ўзлигини намоён этади. Шу боис унинг ҳаёлида фанлар зинапояларини босиб ўтишда, ҳаётий тайёргарликка эришишда нималарга эришдиму, нималарга улгуролмадим, деган савол чарх уради. Ўзининг мустақил фаолиятига, ёрқин келажагига қандай одим қўйиши керак? Устоз-мураббийлари, ота-онаси, кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари, оталиқ ташкилоти вакиллари қандай маслаҳатлар, тилаклар билдиришади. Битирувчининг ҳаяжонли қалби ана шунга интизор.

Шуларни ҳисобга олиб Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шу йил 5 июнда таълим тизими бошқарув идораларига юборган «Умумтаълим мактабларида «Битирув кечаси»ни ўтказиш бўйича тавсиянома»да мазкур тадбирни маҳаллалар, оталиқ ташкилотлари, ота-оналар, жамоат идоралар билан биргаликда ўтказишнинг муҳимлигини қайд этди.

Битирув байрамлари ўтказиладиган бинолар Давлат рамзлари билан безатилиши, соя-салқин бўлиши, техника ва ёнғин ҳавфсизлигига тўлиқ жавоб бериши мақсадга мувофиқдир, — дейилади Тавсияномада, — «Битирув кечаси»ни ташкил қилишда театрлар, кино, концерт заллари, маданият уйлари, саройлари, ижодий уюшмалар имкониятларидан самарали фойдаланиш тадбирлар ўтишининг ранг-баранглигини таъминлайди.

Мактаб биноларини мазмунли безатиш, деворий газеталар, фотостендлар, битирувчилар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи альбомларни, ҳунармандлик, бадиий чизмачилик сиғнари ижодий ишларини кўргазмаларга қўйиш, битирувчиларга тилак, истак билдирувчи сўзлар ифода этилган алвонлар ёзиб ўрнатиш ҳам муҳимдир. Байрам дастурхони ота-оналар розилиги билан ёзилгани маъқул. Уни оддий, онаер ноз-неъматлари билан безатиш, чой, музқаймоқ, ширинликлар қўйиш, қечада шарқона урф-одатларга кўра кўрик-синовлар ўтказиш, фольклор бадиий ҳаваскорлик дасталари дастури асосида концертлар бериш тадбирга файз киритади.

Муҳими, мазкур мактабни битирган меҳнат фидойилари, фан арбоблари, таниқли ижодкорлар ва зобитлар, фахрий ўқитувчилар томонидан тилак билдириб, битирувчиларга шаҳодатномалар топширилса, аълочи ва ташаббускор ўқувчилар мактаб хомийлари томонидан эсдаликлар, ёрлиқлар билан тақдирланса, айниқса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, вазирликнинг 1995 йил 14 сентябрдаги махсус хатида халқ таълими муассасаларида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қатъиян ман этилгандир. Вазирлик Тавсияномаси жойларга жўнатилгандан сўнг шу йил 7 июнда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Ҳамманинг кўнгли болада, боланинг кўнгли нимада?!» мақоласи чоп этилди. Унда баъзи жойларда «Битирув кечаси» ни ташкил этишга ўқувчилардан пул йиғиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ҳаддан ташқари зеб-зийнатли кийиниш, ҳотамтойлик тўғрисида фикр юритилади. Вазирлик жойлардаги ўқувчилар кийимининг турли кўринишларини ишлаб чиққан ва маҳаллий енгил саноат корхоналари билан ҳамкорликда бу кийимларни тайёрлашда аниқ кўрсатмалар берган. Шу боис ҳар бир мактаб ўзининг аниқ ўқувчилар кийимига эга бўлиши шартдир.

Вазирлик мақолада кўтарилган муаммонинг долзарблигини инобатга олиб, уни умумтаълим мактабларининг педагогик кенгашларида, ота-оналар йиғилишларида атрофлича ишлаб чиқишни, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида мазкур муаммолар ҳақида тадбирлар белгилашни тавсия этади.

Битирувчиларнинг шодиёна кечалари ҳар томонлама эсда қоладиган, уларнинг мустақил Узбекистон, жонажон халқимизга ва порлоқ келажакка меҳр-муҳаббатини оширадиган тарзда ташкил эиш ва намунали ўтказиш ҳар бир педагогик жамоанинг, халқ таълими бошқарув идорларининг, ота-оналар ва жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир, албатта. Шунга эришиш керакки, ҳар бир битирувчи шоир Ғафур Ғулом айтганидек, аъло мамлакатнинг аъло фарзанди эканлигини, уни Ватан, эл-юрт кутаётганлигини қалбдан тўла ҳис қилсин!

М. РАҲМОНОВ.

Очиқ мулоқот

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналлар Бош муҳаррирлари ва Сирдарё вилояти газеталари муҳаррирлари билан вилоят халқ таълими ходимлари билан очиқ ва самимий мулоқот бўлиб ўтди.

«Халқ таълими» журнали бош муҳаррири Ж. Икромов, «Учитель Узбекистана» газетасининг бош муҳаррири А. Долимов, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Ҳ. Саидов, «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири О. Султонов, Сирдарё вилояти халқ таълими ходимларининг «Зиёкор» газетаси муҳаррири Б. Абдуллаевлар ўз нашрларининг келгусидаги вазифалари ва режалари ҳақида сўзладилар, муштарийларнинг саволларига жавоб бердилар.

Учрашув самимий мулоқотга айланиб кетди, муаллимлар ва муштарийлар томонидан муҳаррирларга нашрларнинг янада ўқишли ва қизиқарли, муаллим дардига яқин чиқиши учун таклиф ва тилакларини билдиришди. Айниқса, Гулистон давлат университети проректори Равшан Маҳмудовнинг фикрлари муҳаррирларга ҳам, муштарийларга ҳам маъқул тушди. Жумладан у «Халқ таълими» журналининг ҳар ойда чиқишини, унинг саҳифаларида кўпроқ оддий ва фидойи ўқитувчилар мақолалари кўпроқ берилишини таклиф қилди. Газеталарда эса танқидий мақолалар ҳам кўпроқ берилишини таъкидлади. У яна бир фикр билдирдики, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак бўлади. У «Халқ таълими фидойилари» рукнида юбилей ёки бошқа сабаблар билан бериладиган мақолалар туман халқ таълими бўлими мудирлари ёки мактаб директорлари тавсияси орқали газета саҳифаларида чоп этилишини, бунда жонкуяр, тажрибали ўқитувчилар ҳақидагина ёзилиши лозимлигини таклиф қилди.

«Маърифат»нинг доимий муаллифларидан бири Ҳабибулло Абдукаримов ҳам нашрлар халқ таълими ходимларига янада яқинлашиб, ҳаётига аралашиб, руҳан мадад берувчиҳаммаслакка айланишини тилади.

Бу учрашувдан бир қанча наф бўлди. Аввало, журналистлар муштарийлар билан учрашди, яқинлашди, ўзининг камчиликларини билиб олди. Қолаверса, халқ таълими тизимидаги нашрлар бир-бирига ҳамоҳанг, бир-бирини тўлдириб, баҳамжиҳат ишлашлари лозимлиги англашилди. Шунинг учун бу учрашувни ташкил этган Сирдарё вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти раҳбариятига самимий ташаккур айтилди.

Вилоят мусиқа ва драма театри биносида ўтган бу мулоқот охирида мазкур театр жамоаси «Дабдабали тўй» спектаклини намойиш этдилар. Даврани ВПХМОИ ректори Эркин Куйбишев олиб борди.

МУХБИРИМИЗ.

Савол беринг – жавоб берамиз

— Мен 40 йилдан ошиқ Чироқчи туманидаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Ҳозир нафақадаман. Менга ва бошқа қишлоқ ўқитувчиларига қандай имтиёзлар берилади?

Эркин ҲОЖИЕВ,
Чироқчи тумани.

Бу саволга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг етакчи назоратчи-услубчиси Турсуной АБДУМАЛИКОВА жавоб беради:

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги «Нарх наво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари» ҳамда 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ҳақида» чиқарган фармонларининг ҳаммаси маориф ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган. Мазкур фармонларга биноан сизга ўзингиз истиқомат қилаётган уй шахсий мулк қилиб берилади.

Қишлоқ жойларида яшовчи муаллимлар турар-жойи ва хизмат турлари учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Педагог ходимнинг яшаб турган уйида марказий иссиқлик билан таъминлаш йўқ бўлса, ҳар бир иситгич қурилмасига ёқилғи сифатида 2 тонна кўмир ҳисобидан товон пули тўланади. Бу имтиёзлар педагогик иш муддати 10 йилдан кам бўлмаган педагогларга берилади.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

БОЙСУННИНГ «БОЙБУВА»СИ

Бойсунликларга ҳунармандчилик азал-азалдан ота касб. Худди шу боис ҳам тумандаги ҳунар лицейи жамоаси ҳозирги бозор иқтисоди даврида сира «калаванинг учи»ни йўқотиб қўйишгани йўқ. Аксинча улар жуда ишбилармон чиқиб қолишди.

Лицейда жами 510 нафар талаба темирчи, чилангар, пойабзал таъмирлаш, радиотелевизор устаси, терини қайта ишлаш, чорва фельдшери, бичиш-тикиш ихтисосликлари бўйича малакали мутахассислар қўлида таълим олмоқда. Бу касб-ҳунарларни ёшларга чуқур ўргатиш эса, ўзўзидан тумандаги ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб йўлга қўйилган эди.

Дарвоқе, лицейда таълим олаётган ҳунармандлар дастлабки «иш»ларини Бойсун бозорида сотиб, фойдасига ўтган йили 120 бош қўй харид қилишган эди. Бугунги кунга келиб ана шу қўйларнинг сони 250 тага етибди.

ТАБИАТГА ТАЛПИНГАН КЎНГИЛ

А. Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтининг «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» бўйича 2 ҳафталик курс тингловчилари Қибрайда ташкил этилган «Ёш табиатшунослар станцияси»да бўлишди. Станцияда айни кунда 20 дан ортиқ тўгарак фаолият кўрсатаётган экан. Станцияга тумандаги 12 та мактабдан ўқувчилар қатнашади. Қуёнчилик, боғдорчилик, қушчилик, сабзавотчилик, гулчилик тўгаракларининг фаол иштирокчилари яқинда республика миқёсида ташкил этилган «Табиат—кеча, бугун, эртага» кўрик-танловида фахрли 2-ўрин соҳиблари бўлишибди.

Дарвоқе, «саёҳат»дан завқланган курс тингловчилари ҳам ўз мактабларида ана шундай тўгараклар очишга астойдил қарор қилишди.

Муаллифлар:
А. ОБИДДИНОВ,
С. ОСТОНОВ.

Янгича иш усули

РЕЙТИНГ ЯХШИ, АММО...

Сўнгги йилларда бошқа соҳаларда бўлганидек, таълим тизимига ҳам янги-янги, ғалати-ғалати, нимаси биландир таниш, нимаси биландир мутлоқ нотаниш сўзлар, атамалар, иборалар кириб келди. Шулардан бири «рейтинг»дир. Биз у ҳақда кўп сўзлашдик, кўп ёздик. Бу сўз бир қадар сингишиб ўзимизники бўлиб қолди.

Рейтинг... Айни кунда қай бир олий ёки ўрта махсус билим юртига борманг, қай бир талаба ё профессор-ўқитувчи билан сўйлашманг, гап айланиб дарров шу сўзга бориб тақалади: рейтинг! Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Ҳозирги кунда талабалар курсдан курсга ўтиш синов ва имтиҳонларини рейтинг усулида топширмоқда. Бунинг қандай усул эканлигига батафсил тўхталиб ўтмаймиз, зеро, юқорида таъкидланганидек, рейтинг ҳақида анчайин кўп сўзлашиб, кўп ёзганмиз.

Хўш, рейтинг усули биз кутган натижаларни, биз истаган самараларни бераяптими? Таълим тизимини мустаҳкамлашда, талабалар билими сифатини оширишда унинг ҳиссаси бўлаяптими? Бундай ҳақли саволлар барчамизни қизиқтириши табиий, албатта. Шунинг учун ҳам кўпгина олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, талабалари билан суҳбатлашдик, рейтинг усули ҳақидаги фикрларини билдик. Шу ўринда савол-жавоблар натижасини бир бор мулоҳаза этиб кўрсак, фойдадан холи бўлмасди.

Рейтинг усули ҳақли равишда талабалар ўртасида давоматнинг барқарорлашувига, ўзлаштиришнинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди. Талабалар кўпроқ балл тўплаш учун дарсларга ўз вақтида етиб келишга, семинар машғулотларида, маърузалар бўйича савол-жавобларда фаол қатнашадиган бўлдилар. Зеро улар тўплаган баллари курсдан курсга ўтиш синов ва имтиҳонларида энг зарур кўрсаткич эканлигини жуда яхши билишади. Илгари эса талабани давомат, машғулотларда фаол қатнашиш кўп ҳам қизиқтирмасди.

(Давоми 2-бетда)

Иқтисод сабоқлари

ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШ ВА САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ

Республикамиздаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар иқтисодий тарбиянинг барчага баробар тааллуқли ва узлуксиз булишини талаб этаяпти. Муаммонинг оммавийлиги иқтисодий тарбияни шакллантириш ҳақиқатан барча жойларда амалга оширилаётганидадир. Бу оилада, мактабда, мактабдан ташқари таълим муассасаларида, урта махсус ва олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ва ҳоказо. Иқтисодий тарбиянинг ривожланишини вақт билан, босқичлар билан чегаралаш мумкин эмаслиги унинг узлуксизлигидир.

Энг илғор фикрлар, мафкура, энг такомиллашган тафаккур фаолият воситасида моддийлашсагина, ишлаб чиқариш орқали кишилар турмуш даражасини яхшилашга таъсир этсагина, у иқтисодий тарбиянинг омилига айланади.

Узлуксизликни таъминловчи иқтисодга йуналтирилган таълим-тарбия тадбирлари тизимдаги марказий сиймо — бу жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг иқтисод фанини, илмини ўрганиб, камолга интилиши ижодкорликни таъминловчи омилдир.

Ватанимиз тарихига назар ташласак, аждодларимиз ўз замонасига мос иқтисодий фикр юритишда алоҳида ажралиб турганлар. Бу борада уларнинг буюк ипак йўлини кашф этиб, савдо-сотиқ, моллар алмаштириш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига қараб ўстириш, хуллас, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга асос солганларини эслаш кифоя, ё Темур ва темурийлар авлодлари ҳокимиятни бошқарган даврда ҳам мамлакат бойлигини кўпайтириш учун иқтисодий алоқалар, иқтисодни бошқариш ишига кишиларни тайёрлаш, иқтисодни ривожлантиришга илм-фан ва маданият кишиларининг таъсири каби муаммолар ҳал этилган. Замон талаб этган кишиларни тарбиялашда иқтисодий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларни таркиб топтириш марказий мавзу эканлигини А. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «Иқтисод» булимининг ажратилиши ҳам бундан далолатдир. «...Ҳозирги замонда мақсадга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқига мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила улчанадур. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келуб, паллани босуб, хўжа улганидан фақирларга енгил келуб, қул ва асир булиб, осилиб қоладур...

Америкаликлар бир дона дон экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, оврўпаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтуриб ўзимизга йигирма тийинга сотурлар. Аммо... туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошармиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз... Ҳозирги замонга мувофиқ булмак учун илм ва маърифат баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй-битмас ғайрат лозимдир...» (Авлоний Абдулла, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»— Т, «Ўқитувчи», 1992, 33-34-бетлар).

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбияни амалга оширмоқ учун аввало қуйидаги тушунчалар маъносини англаш мақсадга мувофиқ. Чунки бошланғич иқтисодий билим беришдан тортиб то иқтисодий маданиятлилик даражасигача булган жараён ҳар бир шахснинг ҳаётий эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий тарбия — жамиятнинг шахсга мустақил фаолиятида самарали кўрсаткичларни таъминловчи аниқ иқтисодий тушунчалар — иқтисодга боғланган сиёсат, қонунлар, қонуният асослари ва уларнинг амалда фойдланиш йўл-йўриқларининг йиғиндисини ўзлаштиришга имкон берувчи изчил, мақсадга мувофиқ таъсиридир.

Иқтисодий таълим — ижодкор шахснинг шаклланишига таъсир этувчи иқтисодий билимлар, кўникма, малакалар йиғиндиси. У узлуксиз, изчил, мақсадга кўра шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, турли услуб ва аниқ дастурлар, методикалар билан шахсга етказиш жараёнини ташкил этади.

Иқтисодий саводхонлик — мустақил фаолият кўрсатишга зарур бўлган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар йиғиндисини шахсда таркиб топтиришдир. У ҳар бир шахснинг жамиятда бўлган иқтисодий сиёсатни англаш, шунга кўра турмуш даражасини оширишга, шахсий эҳтиёжини қондиришга ёрдам берувчи ва самарали фаолият билан шуғулланишни таъминловчи иқтисодий билим, кўникма, малака, йўналтирувчи қоида, усул, услубиятлар мажмуидир.

Иқтисодий тайёргарлик — шахс шаклланишида талаб, эҳтиёж ва имкониятига кўра танланган соҳалар, касблар, мутахассисликлар бўйича махсус иқтисодий, назарий ва амалий билимлар йиғиндисини таркиб топтиришдир. Узлаштирилган аниқ иқтисодий назарий ва амалий билимлар мустақил фаолиятида самара беришга кафолатдир. Булар аниқ иқтисодий маълумотлар (урта, махсус, олий, малака ошириш ва бошқалар)ни ташкил этади.

Иқтисодий тафаккур — иқтисодий билимлар тўплаш жараёни булиб, ўқувчи томонидан унга қулай ва мос бўлган даражада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тушунчалар тарзидаги, муайян тизимидаги қонуниятларнинг акс этиши, иқтисодий онгдаги конструкция қисмини тутиб турувчи мантиқий алоқадир. Бу тизим ва мантиқий алоқадаги ахборотлардан олинадиган билимлар ҳажми яхлит, ўзаро боғланган фикрлар ҳосил қилиб, бу фикрлар кенгаядиган ана шу конструкция материалидир.

Иқтисодий тарбияланганлик — шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатлардандир. У кишиларнинг фаолиятига иқтисодий саводхонликнинг амалдаги ижроси — жамият ва давлат иқтисодий-ҳуқуқий сиёсати асосида намоён булади. Иқтисодий тарбияланганлик даражаси шахс ҳатти-ҳаракатидаги самарали, ижтимоий-фойдали, ижодий фаолияти натижалари ҳаёт талаби эканлигини англаш билан белгиланади.

Иқтисодий фикрга эгалик — иқтисодий ҳодисаларни ўқувчи ва шахс томонидан қулай ва мос даражада булиши, иқтисодий тушунчалар ва категорияларни ўзлаштириши, билимларини тўплаш ва иқтисодий муносабатда тўғри мўлжал олишидир.

Иқтисодий онг — субъект томонидан иқтисодий муносабатларни объектив тушунтириш натижасида ҳамда содир булаётган иқтисодий ҳодисаларга ўз фикрини билдириш ва уни ҳимоя қилиб амалга оширишдир.

Иқтисодий маданият — кишилар фаолиятларида жамият, давлат ва алоҳида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсат асосида унинг вазифаларини ҳал этишдаги иштирокининг сифатий таърифи ва кишиларнинг хўжалик юритишдаги иқтисодий билим, кўникма малакалар, шунингдек, иқтисодий тафаккур ва онгнинг ривожланиш даражасидир.

Иқтисодий фикрлаш ва саводхонликни оширишни маълум мезонда, яъни Узбекистон иқтисодий фаолиятига тайёрлаш, шунингдек шахс шаклланишидаги жаҳон талаб этаётган иқтисодий маданиятлилик даражасини таркиб тоiтириш деб қараш лозим.

Илм-фан ҳар доим инсон фаолиятининг маҳсули булиб қолади. Фандаги таълимотлар қанчалик мустақилликни даъво қилмасин, улар тараққий этаётган жамият ва келажак талабига бўйсунишга мажбурдир. Айниқса, бу бошқа фанлар, таълимотларга қараганда шахс шаклланиши билан бевосита шуғулланувчи педагогика, психология, фалсафа кабиларга тааллуқлидир.

Таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, собиқ совет педагогикасида иқтисодий таълим-тарбия муаммолари турли йўналишларда илмий-назарий ҳал этилган ва тажриба сифатида мактаб, ҳунар-техника ўқув юртларида, мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, марказларида, пионерлар саройлари, муаллимлар тайёрлайдиган институтлар, ўқитувчилар малакасини ошириш олий ўқув юртларида амалда ҳам синалган. Аммо бундай тарздаги иқтисодий таълим-тарбия иқтисодий билимни доимий равишда такомиллаштиришга имкон берадиган, ёшларнинг иқтисодий саводхонлигига оммавий таъсир кўрсатадиган натижаларни бермаган. Бунга бизнинг назаримизда, қатор объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлган.

Объектив омилларнинг асосийлари:

1. Иқтисодий таълим-тарбия муаммосини давлат даражасида ҳал этишга зарурат сезилмагани. Нега? Аввало иқтисодий томондан қудратли ҳисобланган собиқ Совет Иттифоқи социалистик мулкчилик қонунларини ишлаб чиқа бошлаган. Барча ер, корхоналар, колхоз, совхоз ва конлар давлат мулки бўлгани учун ундан фойдаланиш, буларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири, иқтисодий қонунлар ижроси қандай эканлиги омма дан сир тутилган. Социалистик мулкчилик қонунлари эса иқтисодчилар томонидан ишланиб, фақат давлатни бошқарувчилар кўрсатмаларигагина бўйсунган.

2. Собиқ Совет Иттифоқи қарамоғидаги республикаларнинг марказдан бошқарилган иқтисодга асосланган ҳолда ёшларнинг ҳам аҳолининг иқтисодий саводхонлик даражасига таъсир этувчи тадбирларни амалга оширишга жўръат эма олмаслиги ва марказнинг таъсиридан чиқишга ҳаққи йўқлиги.

3. Хусусий мулк батамом йўқотилгани учун иқтисодий саводхонлик аҳолига, ёшларга социалистик иқтисод асослари тарзида ўргатилган. Тушунчалар иш жойи, корхона, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўл-йўриқларини кўрсатиш каби умумий томондан англатилган. Бу эса ҳақиқий хўжайинлик ҳиссидан жуда узоқ бўлиб, унда шахсий манфаат мотиви йўқ эди. Яъни иқтисодий саводхонлик совет кишисига ҳаётий эҳтиёж эмасди.

Субъектив омилларнинг асосийлари:

1. Собиқ Совет педагогикаси иқтисодий таълим-тарбия, илмий муаммо сифатида мунтазам ўрганилмагани.

2. Маориф тизимида иқтисодий тайёргарликни узлуксиз амалга оширишга ундовчи кучнинг, тарафлар манфаатдорлигини кўзловчи иқтисодий алоқаларга қизиқиш йўқлиги.

3. Собиқ Совет ўқувчисини мустақил ҳаётида иқтисодий саводхонлик даражасига зарурати сезилмаганлиги.

Зухра ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

(Давоми бор).

МАОРИФЧИЛАР ТЎЙИ

Ангрен шаҳри Тошкент вилоятининг энг хушманзара ва сўлим гўшаларидан саналади. Куни кеча мазкур кончилар шаҳарчасининг қоқ маркази — Мустақиллик майдонида шаҳар халқ таълими ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан каттагина митинг бўлиб ўтди. Унда Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Ангрен шаҳар ҳокими Т. Анорбоев, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиевлар қатнашиб, халқ таълими ходимларини ярим асрлик тўйлари билан қизғин табриклашди. Бу ердан байрам А. Навоий номли кончилар маданият саройига кўчди. Шаҳарнинг бир гуруҳ ўқитувчиларига «Узбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси», Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, шунингдек, икки нафар устоз муаллимга Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг яқинда таъсис этилган «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони берилди. Шундан сўнг катта концерт дастури бошланди. Саройда янграган куй ва қўшиқлар оқшомга қадар давом этди.

Тўйга тўёна билан деганларидек, шу куни вазирлик шаҳар халқ таълими бош бошқармасига умумий ҳажми 1 миллион 200 минг сўмлик 1ВМ маркали энг янги компьютерлар мажмуасини туҳфа қилди. — Шаҳримизда дастлабки (1946) йилдан бор-йўғи 7 та мактаб, 2 та болалар боғчаси бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 37 та мактаб, 50 та боғча, учта спорт ва 2 та мусиқа мактаби, 1 та техника лицейи мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Маҳмуд Турғунбоев. — Ангрен шаҳри мактабларида бугунги кунда 26370 нафар ўқувчи билим олса, уларга 3700 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Н. ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.
А. Даврон олган суратлар.

ЭНДИ ЛОТИН АЛИФБОСИДА ЎҚИЙМИЗ

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан уюштирилган навбатдаги семинар-кенгаш Термиз шаҳридаги 9-болалар боғчасида бўлиб ўтди. Туман халқ таълими бўлимлари мактабгача тарбия муассасалари услубчилари, боғча мудирлари, тарбиячилар иштирок этган тадбирни ВХТБ бошлиғи муовини Х. Чориев очди.

Маълумки бу йил мактаб остонасига қадам қўядиган 1-синф болалари Алифбони лотин ёзуви асосида бошлашади. Уларни ана шу босқичга тайёрлашда кичкинтойлар масканларининг роли беқиёсдир. Бу борада 9-боғча жамоаси ибратли ишларни амалга оширганликларини семинар-кенгаш қатнашчилари ўз кўзлари билан кўрдилар. Услубчи Шарифа Хўжақулованинг ўйинлар воситасида янги алифбони ўрганиш маҳоти, хона жиҳози, ўзи яратган дастури, дарслиги ва кўргазмали қуроллари барчада қизиқиш уйғотди. Шунингдек, бино ва хоналарнинг дид билан замон руҳига мос, миллий усулда жиҳозланганлиги ҳаммага ёқди.

Маскан мудираси М. Саттарова, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти кабинет мудираси К. Двяканова, ВХТБ мактабгача тарбия бўйича етакчи мутахассис Ю. Курбоновалар йиғилганларга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар тўғрисида гапириб бердилар.

Н. ТЎРАЕВ.

Август кенгашларига

МАЪҚУЛ БЎЛСА, ТАНЛАНГ

Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шу йил 16 мартда халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида «Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир», деб алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг бу кўрсатмаси ҳар биримиз учун дастуриламалдир.

Мазкур ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни тўғри ва тўлиқ маънода амалга ошириш халқ таълими тизимини, хусусан, умумий таълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишини илмий, методик ва умумий педагогик асосда тўғри бошқаришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларида бугуннинг долзарб масалаларидан бири — «Халқ таълимини бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари» мавзуси маърузаларда ўз ифодасини топиши керак. Буни ҳисобга олган ҳолда биз умумий таълим мактаблари раҳбарларининг шўъба йиғилишларига таклиф тариқасида бир қанча маърузалар мавзусини ҳавола этамиз. Улар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқол мафкураси ва мактаб директори.

Мактабни бошқаришнинг назарий асослари.

Мактабни бошқаришнинг педагогик асослари.

Мактаб ичидаги бошқарув тизими ва унинг мазмуни.

Мактаб бошқарув тизимида раҳбарлик услуби ва маданияти.

Мактабнинг ўқув-моддий, техника базаси ва унга раҳбарлик тажрибасидан.

Мактаб ишини илмий асосда режалаштириш (тажрибадан).

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ишлари ва унга раҳбарлик (мактаб тажрибаси мисолида).

Мактаб фаолиятида ўқувчилар билимини тест-рейтинг асосида баҳолаш ва унга раҳбарлик.

Мактаб ички назорати ва уни амалга ошириш ишига раҳбарлик.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонуни асосида мактаб фаолиятида таянч таълимни амалга ошириш ва унга раҳбарлик.

Мактаб раҳбарларининг дарс кузатиши ва унинг таҳлилига бўлган янгича педагогик талаблар.

Мактаб фаолиятида педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтказиш масаласига янгича ёндашувлар (мактаб тажрибаси асосида).

Бола тарбиясида мактабнинг маҳалла кўмитаси билан ҳамкорликдаги ишлари ва унга раҳбарлик (мактаб тажрибаси мисолида).

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ўқувчиларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес, тадбиркор, банк тизими соҳасидаги билим, малака ва тушунчалар бериш жараёнига раҳбарлик.

Мактабни бошқаришга ўқув, ақл, маҳорат керак. Раҳбарда бу хислатлардан ташқари ҳафсала ва қизиқиш ҳам бўлиши лозим. У мактабнинг ички ҳаётини, пастбаландини билади ва шунга яраша бошқаради. Юқорида биз таклиф этган мавзулар мактаб раҳбарлари фаолиятига йўналиш ҳамдир. Бу йўналишларнинг барчаси бошқарув тизими билан бевосита боғлиқ. Улардан қай бирини танлаш ва август кенгашларида маъруза билан қатнашиш мактаб раҳбарининг ўзига ҳавола.

М. МИРҚОСИМОВ,
А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти ХТБ ва мактабшунослик кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, профессор.

ЎҚИТУВЧИ — ҚАҲҲОР БАХШИ ҒОЛИБ

Яқинда Чамбилга Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Истиқлолни куйла, думбирам» кўрик-танловида қанташиш учун Қашқа воҳасининг «мана ман» деган ёшу қари бахшилари жам бўлишди. Майдонда қадимий қора ўтовлар ўрнатилди, кигизу пўстаклар, гажари жулхурс гиламлар ташланди, серкаю-қўчқорлар суйилди.

Очиғини айтганда, бахшилар танловида ғолибни аниқлаш кўп қийин бўларкан. «Бисмилло» деб ўртага чиққан бахши бутун борлиқни унутиб, ўзини бутқул ғолиб ҳисобларкан-да, астойдил куйлайвераркан. Улар ўз терма, достонларида пайтини топиб асосий ўринга даъвогар эканликларини сўз уйинлари орқали қистириб юборавераркан...

Бироқ, барибир адолат олдида ҳамма бош эгади. Ҳакамлар ҳайъати ягона ғолибликка Деҳқонобод туманидаги Бобур номидаги мактаб ўқитувчиси Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғлини муносиб деб топди. Ғолиб вилоят маданият бошқармаси, Чироқчи тумани маданият бўлимларининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

А. ОБИДДИНОВ.

РЕЙТИНГ ЯХШИ, АММО...

(Боши 1-бетда).

Балки, у бир амаллаб ўқитувчининг кўнглини топиб синовлардан яхши баҳо олишнинг пайига тушарди. Бу ҳол бўлажак мутахассиснинг мукаммал билим олишига путур етказиши кўндек равшан. Бироқ, минг афсуски, шу уринда яна ҳақли саволлар пайдо бўлмоқда. Хўш, рейтинг усулида кўпроқ балл тўплаш пайида юрган талаба ўз устида жиддий ишлай оладими, мустақил равишда қўшимча адабиётларни титкилаб, кутубхоналарда дунё ташвишларидан чекиниб ўтира оладими? Мана, масалан, илгари талабалар ўртасида «эркин қатнашув» деган ибора бўларди. Талаба мабодо, бирор бир курс бўйича ўзи ўзлаштириб кетишига қўзи етса, деканатнинг рухсати билан ўша курслардан бўладиган дарсларга «эркин қатнашарди». Тўғриғоғи, ўзига анчайин таниш маърузаларда эснаб ўтирмай, вақтни ғанимат билиб, бошқа зарур машғулотлар билан шуғулланиб, кутубхоналарда бўлиб, ўз билимини оширарди. Бу усул яхши натижалар берганини кўпгина собиқ талабалар, олий ва ўрта махсус билим юрти ўқитувчилари яхши эслашса керак, ҳойнаҳой. Фикримизча, рейтинг талабаларнинг ана шундай бебаҳо имкониятини чеклаб қўймадимикан? Шу уринда рейтинг усули натижасида пайдо бўлаётган яна бир муаммога тўхталиб ўтсак. Маълумки, рейтинг қонун-қоидасига кўра, талаба зарур бўлган чоғда тест усулида, компьютерларда имтиҳон топширади. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барибир бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Компьютер ҳеч қачон талабанинг билим доирасини, лаёқатини тўғри баҳолаб беролмайди. Тағин, компьютер экранида кўринган уч-тўрт саволга тўғри жавобни топиб, тугмачани босган талабани юксак билим эгаси деб таърифлаш ҳам унча ўринли эмас. Зеро кўп ҳолларда тасодифлар қўл келиб қолиши мумкин. Шунингдек ўша саволларга нотўғри жавоб берган талабани ҳам ёмондан олиб ёмонга солиш адолатдан эмас. Ахир, у ё шошганидан, ё ҳаяжон босиб хатога йўл қўйган бўлиши мумкин! Ахир, компьютер — машина, у инсон кечинмаларини тушунмайди, тан олмайди! Шу нуқтаи назардан андак разм солсак, илгариги имтиҳон ва синов усуллари қимтинибгина «биз ҳам ёмон эмасдик» дея гина қилаётгандек туюлади. Нима учун? Чунки у имтиҳон-синов усуллари жонли эди! Устоз шогирди билан суҳбатлашар экан, бир-бирининг зоҳирий ва ботиний кечинмаларидан хабардор бўлиб турарди.

Айниқса, ўқитувчи ўзи анчадан бери сабоқ бериб келаётган талабанинг аҳволини яхши тушунади, қолаверса, унинг нечоғлик лаёқатли эканлигини билади. Шошиб қолса, ҳаяжонга тушса, тинчлантириб қўшимча саволлар беради. Энг муҳими, ўзи ўқитган талабанинг яхши жавобларидан ўқитувчи хурсанд бўлиб, маънавий рағбат олади. Тўғри, шу жумларни ўқиб кимлардир сапчиб ўрнидан туриб кетар, у ҳолда ўқитувчи талабага нисбатан адолатсизлик қилади, таъмагирларча мижғовланади, деб ҳайқириши мумкин. Йўқ, биродарлар, инсон тангри яратган жонзотлар ичида энг мукаррами, энг ақллиси ва энг қудратлиси. Зеро, унинг ўзи инсофга келмас экан, ўзида келажак масъулияти, Ватан қайғуси бўлмас экан у инсонни ҳеч бир усуллар, ҳеч бир компьютер-машиналар ғаразли ниятлардан қайтаролмайди. Энг олижаноб, энг муқаддас туйғуларгина бизнинг муаммоларимизни бартараф этиши мумкин, холос.

Биз юқоридаги мулоҳазаларимиз билан таълим тизимига баҳор фаслидек кириб келаётган рейтингнинг афзалликларини саробга чиқармоқчи эмасмиз. Биз уни янада мукаммал бўлишини истаймиз, холос. Ўйлаймизки, илгариги усулларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш замонавий рейтинг усулига қўл келади.

Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Фанимиз фидойилари

МУРАККАБ МАСАЛАЛАРНИНГ ОДДИЙ БИЛИМДОНИ

— Тўғри қилган эканман, ушанда сал бепарво бўлсам, балки қишлоқда қолиб кетармидим... Қаранг-а, шунча йиллар ўтиб кетибди. Не бир қийинчиликлар-у не бир ташвишлар бўлмади. Мана, бари ортда қолди...

Самарқанд давлат дорилфунунининг доценти Сайфулла Худойназаров сўнгги пайтлар шунақа фикрларни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди.

У Яккабоғ туманидаги Қўштегирмон қишлоғида таваллуд топиб, вояга етди. Отаси деҳқон, уша давр тили билан айттанда, оддий колхозчи. Рўзғор катта. Волидаи муҳтарамалари Саодат опа рўзғор юмушлари билан банд. Фақат отанинг топгани саккиз фарзандни боқишу кийинтириш учун ҳамиша ҳам етавермайди. Яхшиям дурустгина томорқаю унча-мунча мол-ҳоли бор. Ҳаёт тарзи эл қатори ўтаверди...

Бешинчи, олтинчи синфларга келиб Сайфуллада математика фанига қизиқиш кучайди. Чунончи, ўткир зеҳнли бола бир белгисиз тенгламаларга оид ҳар қандай мураккаб масала, мисолларни қийналмай, ҳатто ҳайратомуз тезлик билан қисқа усулларда ечиб, номаълум сон — «икс»нинг қийматини хатосиз топарди. Унинг бундай қобилияти ҳатто ўқитувчиларни ҳайратга соларди. Хуллас, ўрта мактабни тугатганига қадар Сайфулла математика фанидан утказиладиган беллашувлар, туман миқёсидаги олимпиадаларнинг совриндори, ғолиби бўлиб борди.

Сайфулла 1963 йили Самарқанд давлат дорилфунунининг математика факультетига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан «аъло» баҳолар олиб, кимсан, дорилфунун талабаси бўлиб, қувонч билан қишлоғига қайтди...

Дорилфунунда таҳсилнинг дастлабки ярим йили бир қадар оғир кечди. Баъзи бир етишмовчиликлар туфайли қийналди, юпун юрди. Аммо аълочи талаба бўлиб олгач, имтиёзли стипендия унинг ҳамма эҳтиёжларига ета бошлади. Ота билан Тешақул амаки, Эргаш тоғаси ҳам қараб турмадилар. Хуллас, ҳеч нарсага зориқмай, бутун фикрини алжабрнинг мушкул муаммоларини мукаммал ўрганишдек мураккаб ишга бағишлади.

Талабалик йиллари шу зайл ўтаверди. Битириш имтиҳонлари маҳалида Сайфуланинг физика-математика фанлари доктори, Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Т. Азларов ва доцент Х. Мансуров раҳбарлигида тайёрлаган диплом иши, айниқса, юксак баҳоланди. Юқори кўрсаткичлари боис Сайфулла Худойназаров тақсимот маҳалида Узбекистон Фанлар академияси кибернетика институти ихтиёрига юборилди. Аммо бир йилдан сўнг, Самарқанд давлат дорилфунуни раҳбарияти «ўзи чиқарган маҳсулотига яна ўзи харидор бўлди». Бу ерда Сайфулла дифференциал тенгламалар кафедрасида ассистент бўлди. Шу билан бир қаторда ҳали талабалик даврида бошлаган уша илмий изланишларини изчил давом эттирди. «Яқинлаштириш назарияси!» Шу ибора ҳаёлини чулғаб, кечаю-кундуз ундан нари кетмади.

Етмишинчи йиллар Самарқанд ва Боку математиклари орасида ажойиб бир ҳамдўстлик ва илмий ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Физика-математика фанлари доктори, академик Қучқор Аҳмедов ва унинг атрофидаги озарий алломалар жуда кўп ҳамшаҳарларимизга устозлик қилдилар. Элликдан зиёд ёшлар Бокуда таҳсил олиб, уларнинг қўмагида рисолалар тайёрлаб, номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олдилар. Ушалардан бири Сайфулла Худойназаров бўлди.

Шундан буён орадан йиллар ўтди. Физика-математика фанлари номзоди, доцент Сайфулла Худойназаровнинг ўзи энди ёш авлодга таълим бериб, юзлаб умидли ёшларнинг устози бўлди. Шу орада мураккаб изланишларини ҳам тўхтовсиз давом эттираверди. Жуда кўп илмий мақолалари, олтита услубий тавсияномаси босилиб чиқди. «Узбекистон» нашриётида А. Абдуҳамидов билан биргаликда тайёрлаган «Ҳисоблаш усулларидан машқлар ва лаборатория ишлари» ўқув қўлланмаси ўзбек тилида биринчи марта чоп қилинмоқда.

Мана, Сайфулла аллақачон ҳаётий дунёнинг ярим асрлик мураккаб ва серташвиш, аммо ниҳоят самарали суқмоқларини босиб ўтиб, илм аҳли орасидан муносиб ўрин эгаллади. Шунга яраша иззат-эътибор қозонди. Бу йил ёр-дўстлари, қавм-қариндошлари, фарзанду шогирдлари уни туғилган кунига 50 йил, меҳнат фаолиятининг бошланганига 30 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этадилар. Аммо олим уша азалий изчил интилишларини ҳали тўхтатгани йўқ. Аксинча, математиканинг мушкул муаммо чўққилари томон дадил ва кенг қамровли қадам ташламоқда. Бу йўлда биз ҳам унга бардам саломатлик, узоқ умр ва улкан муваффақиятлар тилаймиз. Барча интилишларида толе ёр бўлавер син!

Аҳмад НАРЗИҚУЛ ўғли,
журналист.

«ОЛТИН МЕРОС» ТАНЛОВИГА

БИЗ СУВ ИЧГАН ЧАШМАЛАР

Бир ажиб бўстон яшнаб турибди. Турфа, анвойи гуллар эвазига. Ва бу гуллар оралаб типтиниқ, зилол чашмалар солланиб оқиб ётибди. Агар таъбир жоиз бўлса, бу анвойи чечаклар — халқимиз. Чашмалар эса халқимизнинг ўзлигию маънавияти.

Маълумингизки, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг «Халқ оғзаки ижоди» танлови эълон қилинган эди. Бу биз айтган чашмани абадийлаштириш йўлидаги хайрли бир қадамдир.

Шундан буён таҳририятимизга, танлов номига бир неча мактублар келди. Биз бугун уларни ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

Танлов давом этмоқда. Сиздан, азиз муштарийлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини кутиб қоламиз. Танлов шартлари эса ўзингизга маълум.

Ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, аждодлари яратиб кетган бебаҳо, такрорланмас қадрияти намуналарининг қулами, рангбаранглиги ҳақида гап борадиган бўлса, уларни тафсифлаш учун ҳатто йиллар камлик қилади. Буюк бобокалонларимиз ўз авлодларига улкан «Олтин хазина» қолдирганлар. Афсуски, ўтган ўн йиллар давомида қадриятимиз намуналарига нисбатан салбий муносабатда бўлдик.

Минг шукроналарким энди қадриятларимизни асраб-авайлаш, тиклаш ва бир жойга жамлаш, бошқа мамлакатларда бўлгани каби миллий музейлар, миллий кутубхоналар ташкил этиш вақти етиб келди.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси зиммасига юкланган шарафли вазифаларни адо этиш, энг аввало, жамғарма ходимлари, қолаверса унга хайрихоҳ бўлганлардан жонкуярлик, билим ва сидқидилликни талаб этади.

Жамғарма мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган маданий меросимиз намуналарини аниқлаш ва сотиб олишни мақсад қилиб қўйган. Шу боис, айрим вилоятларда «Олтин мерос» жамғармасининг таянч идоралари ташкил этилди. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Андижон, Фарғона вилоятларида амалий ишларни ҳам бошлаб юбордик. Демоқчимизки, Халқаро хайрия жамғармасининг мутасадди ходимлари фонд дастурига амал қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали қатор чиқишлар уюштирдилар ва уюштирмоқдалар. Бу чиқишларнинг мазмун ва моҳияти асосан мамлакатимизда ҳурматли юртбошимиз бошлаб берган хайрли ишга омманинг диққат-эътиборини жалб этиш, отабоболаримиз яратган тарихий меросни улуғлаш ва кўз қорачиғидай авайлашдек эзгу тилакларга қаратилган. Зеро, ҳар бир миллат ўз ўтмишини яхши билмаса, уни қадрламаса, табиийки, бундай миллатни келажак авлодлар ҳурмат қилмайди.

Жамғарма ўз вазифа ва режаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз тарихини, маданиятини яратишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ва қўшаётган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан фидойилари ва бошқа соҳа эгаларининг алоҳида хизматларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли, ижодлари ҳақида видеофильмлар яратиш, ҳаётларига оид нодир ҳужжатларни йиғишга киришди. Халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, бадиий жамоалар, яъни фольклор-этнографик жамоалар фаолиятини ўрганиш ҳамда улардан қадимги урф-одат, миллий анъаналаримизга оид нодир маълумотларни ёзиб олишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Миллий маданиятимизни янада ривожлантириш, жаҳон халқлари маданиятининг эришган ютуқлари билан бойитиш, энг муҳими, мусиқа маданиятимизнинг энг гўзал намуналарини жаҳон миқёсида тута билиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мақомчиларнинг Халқаро фестивалини ўтказиш тайёргарлигини кўрмоқдамиз.

Жамғарманинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан яна бири — тақдир тақозоси билан турли хорижий мамлакатларга чиқиб кетган миллий қадриятимиз намуналарини ўз ватани — Ўзбекистонга қайтаришдек масъулиятли, айни вақтда шарафли ишга қаратилган. Бу вазифа фондимизнинг ташқи мамлакат идоралари билан ишлаш бўлими зиммасига юклатилган. Бўлим ходимлари Ҳиндистон, Покистон, Миср Араб Республикаси ваколатхоналарида бўлиб, Халқаро «Олтин мерос» номидан айрим тадбирларда иштирок этишиб, жамғарма манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга киришдилар.

ҚАДРИЯТЛАР БАРЧАМИЗНИКИ

Шу йилнинг апрель ойи охирларида фондимиз номига Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан таклифнома келди. Унда шу йилнинг 3-5 июнь кунларида Норвегия пойтахти Осло шаҳрида бўлиб ўтадиган йирик Халқаро анжуманда қатнашиш таклиф этилган эди. Бундай нуфузли анжуманларда иштирок этиш, энг аввало, мамлакатимизнинг чет эллардаги обрўсини оширишга, қолаверса, жаҳон халқлари маданиятининг бир-бири билан яқинлашувига хизмат қилади.

Республикамизнинг бир қатор илмий-текширув институтларида фаолият олиб бораётган ўз ишининг билимдонларини ҳам жамғарма ишига жалб этмоқдамиз. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, Ҳ. Сулаймонов номли Қўлёзмалар институти ва қатор музейларнинг катта олимлари, илмий ходимлари билан амалий алоқалар боғлаганимиз яхши натижалар бермоқда. Улар билан маслаҳатлашиб, Ҳиндистон ва Петербургга илмий экспедиция жўнатишга қарор қилдик.

Маълумки, қадим замонлардан бошлаб, дунёнинг турли ерларида яшаган инсонлар ҳамиша ҳаётнинг кўп соҳаларида бир-бирлари билан кенг ҳамкорлик алоқаларини олиб борганлар. Аксар ҳолларда ҳудудлар умумий бўлган, тарихий воқеаларни биргалашиб бошидан кечирганлар. Масалан, бундай ҳолатларни Ахмонийлар, Юнон-Македон, грек-Бақтрия, Кушонлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва ҳоказо ҳукмдорликлар даврида яққол кузатиш мумкин. Айнан шу даврлардан бошлаб буюк бобокалонларимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва ўнлаб сиймолар Шарқнинг маданий марказларидан саналмиш Мовароуннаҳр, Урганч, Дамашқ, Боғдод, Ғазна ва бошқа шаҳарларда илмий фаолият олиб борганлар. Улуғ сиймолар мазкур маданият ўчоқларида мамлакатимиз халқлари эришган улкан фан ва маданият ютуқлари билан қатор мамлакатлар маданиятига ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшиб, ўз навбатида, улар эришган ютуқлардан ўзларининг ижодларида баракали фойдаланишган. Демак, бобокалонларимиздан мерос қолган қадриятлар жаҳон бўйлаб сочилиб кетган экан, фаолиятимизни жаҳон бўйлаб олиб боришимизга, жаҳон илмий марказлари билан яқиндан манфаатли алоқа боғлашимизга тўғри келади.

Мустамлакачилар дастлабки кезларда маҳаллий аҳолини талон-тарож қилиш билан бирга илғор фикрли кишиларнинг айримларини таъқиб остига олганлар, шунингдек, зиёлиларнинг маълум бир қисми босқинчилардан қочиб хорижий мамлакатларга паноҳ излаб кетганлар, у ёки бу мамлакатда турғун бўлиб қолганлар. Муҳожирларнинг аксар қисми Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Африка қитъаси ва ҳоказо минтақаларда паноҳ топганлар. Булардан ташқари хорижий ҳудудларда ҳукмрон бўлган доиралар ҳамиша тараққиётда илғорлар қаторида бўлган. Марказий Осиё халқлари эришган ютуқлар билан қизиққанлар ва маълум даражада бу ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қилиб келганлар. Натижада маънавий меросимизнинг кўп қисми четга чиқиб кетган. Айниқса, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Тоҳирийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар замонида бу ҳол жуда кучайган. Ҳозирги кунларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод, Лакнов, Патна, Оллоҳобод, Калькутта ва бошқа шаҳарларида, Покистоннинг Пешовар, Лоҳур, Ҳайдаробод шаҳарлари музейлари, миллий кутубхоналари ҳамда айрим шахсларнинг хусусий коллекцияларида нодир қўлёзмалар қўплаб сақланмоқда. Инглизлар Ҳиндистонни забт этгач, бу бойликнинг энг нодирларини Англияга олиб кетиб, «ўз мулкимиз» деб эълон қилишган.

Буюк бобокалонларимиз яратиб кетган беназир ва беқиёс маданий меросимиз намуналарининг қаерларда, қайси хорижий мамлакатларда эканлиги, қайси ҳолатларда у ерларга бориб қолганлиги, уларни қандай йўллар билан жонажон ватанимизга, яъни ўз юртига қайтаришнинг йўллари ҳақидаги чоралар хусусида кўпчилик ўз фикрини айтса, таклиф ва мулоҳазалар билан қатнашса, ана ўшандагина олтин меросимизни йиғиш умумхалқ ҳаракатига айланган бўлади.

Эшбой РЎЗИЕВ,
халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг етакчи мутахассиси, тарих фанлари номзоди.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША...

(Афсона)

Қадим замонда бир подшонинг катта бир боғи бор экан. Бу боғда ҳар хил анвойи гуллар экилган, турли дарахтлар ўстирилиб, сайроқи қушлар макон қурган экан. Подшоҳнинг яккаю ягона қизи кўнгли тусаган пайтда канизаклари билан келиб шу боғда хурсандчилик қилар, қушлар сайраши-ю, гуллар ҳидидан баҳраманд бўлар экан. Ана шу боққа қараб туриш учун подшоҳ кекса бир боғбонни қўйибди. Боғбон ҳар куни гулларга қарар, қушларни парваришлар, дарахтларни бутаб, подшога содиқ хизмат қилиб юраверибди.

Кунлардан бир кун боғбон катта атиргул бутасига бир булбул ин қурганини кўриб қолибди ва бу хабарни тезда подшога етказибди.

— Подшоҳи олам, сизнинг боғингиздаги катта атиргул бутасига бир булбул ин қўйибди. Маслаҳат беринг, нима қилай? — дебди.

— Қўй, унга тегма, у ўзига шуни раво кўрибдими, у ҳам қилмишига яраша жазосини тортади, — дебди.

Орадан кунлар ўтибди. Боғбон кўрсаки, ўша булбул бола очибди. Бир куни қараб турса, бир илон чирмашиб чиқиб ўша булбул болаларини еб кетибди.

Боғбон яна подшоҳ ҳузурига бориб воқеани айтибди. Шунда подшоҳ: «Эй,. боғбон, булбул гулга ин қўйибди, шунинг учун илон унинг болаларини еди. Сен илонга тегма, у ҳам қилмишига яраша жазосини тортади», — дебди.

Боғбон айни ўрим-йиғим пайтида боғнинг бир чеккасида бедани ўраётган экан, кулча бўлиб ётган илонни кўрмай, уни учга бўлиб ташлабди ва яна подшоҳ ҳузурига келиб ўз гуноҳини айтибди.

— Илон булбул болаларини еди, шунинг учун у ҳалок бўлди. Қилмишига яраша жазосини тортди. Сен ҳам бир кунмас бир кун қилмишингга яраша жазонгни тортасан.

Боғбон келиб яна ўз ишини давом эттириб юраверибди. Яна подшоҳ қизининг боққа сайр қилиш вақти келибди. Сайр пайтида ҳеч ким уларни кўрмаслиги ва халақит бермаслиги керак экан.

Боғбон: «подшоҳ қизини ниҳоятда чиройли дейишади, бир кўрай-чи, ҳусни камайиб қолмайди-ку», — деб ўйлабди ва бир катта чинор тепасига чиқиб, яшириниб олибди. Ниҳоят қиз ва канизаклар келиб ўйин-кулгу, хурсандчилик қила бошлашибди. Ногоҳ подшо қизининг кўзи чинор тепасида уларга қараб турган боғбонга тушибди.

Қиз тезда канизакларини тўплаб отаси ҳузурига борибди.

—Эй ота, боғбонингиз сиз чиқарган буйруғингизга зид иш тутиб, чинор тепасидан мени томоша қилиб турибди.

Подшо тезда боғбонни олиб келтирибди.

— Сен ҳали менинг буйруғимни бажармайдиган бўлдингми? Кўрнамак! Жаллод!!! — деб бақирибди.

Шунда қўллари орқасига боғланган боғбон:

— Эй подшоҳи олам, бир оғиз сўзим бор. Ижозат беринг.

— Айт, ўлиминг олдидан армонда қолма.

— Мени ўлдирганингиздан кейин сиз ҳам қилмишингизга яраша жазонгизни тортасиз.

Подшоҳ айтган гаплари эсига тушиб кулиб юборибди-да, боғбонни озод қилиб, яна ўз ишига тайинлабди.

Афсонани ёзиб олувчи:
Рафиқ МАЪМУРОВ,
Бухоро вилояти Шофиркон тумани 8- ўрта мактаб ўқитувчиси.



Мозийдан тирик гувоҳ.

МАҚОЛМИКАН, МАЪНОМИКАН?..

Халқ — ижодкор. Шоирлик, бахшилик, қўшиқчилик, умуман, ижодкорлик халқимизнинг қонида бор. «Гўрўғли»ю «Алпомиш» достонлари, «Зумрад ва Қиммат», «Муқбил Тошотар» эртакларию топишмоқлар дейсизми, бари халқнинг ижоди. Унинг тилида сайқал топган аллалар ҳам бисёр, лапарлар, ёр-ёрлар, маталларнинг ёзиб олингани қанчаю, йиғилмагани қанча. Коса тагида ним коса тарзида топиб айтилган мақоллар эса кони хазина. Улар бизнинг турмушларимизда кунда жаранглар, ҳангомаларимизни безатар.

Теша тегмаган халқ мақоллари эса оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Буларни тўплаш, халққа тандирдан узилган иссиқ нондек тортиқ этиш хайрли ишдир. Қўшни Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманидаги Сувноқ қишлоғида минглаб узбеклар истиқомат қилишади. Улар юзлаб қўшиқлар яратишган, ёр-ёрлар тўкишган, лапар-айтишувлар билан тўй-маъракаларда дил чоғлашган. Топиб айтилган мақолларни ўрни-ўрнида қўллаб, улкан хазина яратишган.

Шу қишлоқда истиқомат қилувчи нафақахўр ўқитувчи Райимберди Қўзиматов томонидан йиғилган халқ мақолларида донишмандлик, оқиллик, теран маъно уфуриб турибди. Мана, ўқиб кўринг, маъқул келса, ўқинг!

ЯХШИЛАР, ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Содда сири тилида, писмиқ сақлар дилида.

***

Ёлғончига қўшилма, рост сўзингни оширма!

***

Яхши оғизга ош, ёмон оғизга тош!

***

Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар,
Балиқ билмаса, халқ билар.

***

Яхшидан шарофат — ёмондан касофат.

***

Яхши одам ўт керак жойда аланга, сундириш зарур бўлган жойда эса сув бўлади.

***

Яхши одам қартайса, ёзиб қўйган хатдай,
Ёмон одам қартайса, бурқсиб ёнган ўтдай.

***

Яхши билан бўлсанг йўлдош — оғир ишингга қўлдош,
Ёмон билан бўлсанг йўлдош — тегар бошингга охир тош.

***

Яхшига ипак илашур, ёмонга тикон.

***

Яхши қўшни алангага сув, ёмон қўшни мой сепади.

***

Доно бўлган одамда минг кишининг иши бор,
Одам бўлмас нодонда бир кишининг неси бор.

***

Яхшидан вафо, ёмондан жафо.

***

Яхши йигит — давранинг боши.

***

Яхши яхшига ёндашар, ёмон йўлдан адаштирар.

ТИЛ ВА СЎЗ

Турсанг сўзингда -ҳурмат юзингда.

***

Тил эрни қабрга солар, норни қозонга.

***

Уткир сўз ўмганни тешар.

***

Туя ҳам муомалага чўкар.

***

Эпи билан сўзлаганнинг қурбони бўл.

***

Мақтов ухлатар, танқид уйғотар.

***

Ўринли ерда туя чўкади, ўринсиз ерда ҳамма сўкади.

***

Чин сўз — муътабар, яхши сўз — мухтасар.

***

Одам тилидан топар, ҳўкиз мўгзидан.

***

Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир.

***

Аччиқ тил — заҳарли илон, чучук тилга жон қурбон.

***

Сувнинг онаси — булоқ, сўзнинг онаси — қулоқ.

***

Оғзинг билан юрма, оёғинг билан юр.

***

Шоир қайда бўлса, сўз шунда, сулувлар қайда бўлса, ноз шунда.

***

Иссиқ кийим танни илитар, илиқ сўз жонни.

***

Аччиқ саволга чучук жавоб кутма.

***

Ақл битмаган бошга, аччиқ тил битар.

***

Қопоғон итнинг тумшуғидан қони кетмас.

МЕҲНАТ ҲАҚИДА

Меҳнатнинг кўзини топган бойликнинг ўзини топади.

***

Меҳнатсиз ўтган умр — сўнган кўмир.

***

Меҳнати унганнинг хирмонига Хизр қўнар.

***

Ёш кунингда меҳнат қилсанг, қартайганча етилурсан.

***

Кўкламда ухлаган қишда йиғлайди.

***

Бошни худо беради, молни ғайрат беради.

***

Меҳнат қилмасанг, элдан ўпкалама,
Экин экмасанг, ердан ўпкалама.

***

Ҳар бир ишнинг чамаси бор, ҳар дарёнинг кемаси бор.

***

Кўзангда майинг бўлсин, қўрангда молинг бўлсин,
Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас.

***

Молни миришкорга боқтир, кўмирни ковлаганга ёқтир.

***

Насиядан унгани — тегирмондан чиққани.

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТИ, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Қобил ўғил от миндирар, ноқобили от индирар.

***

Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас,
Ота-она тотув бўлса, ҳўрлик етмас.

***

Яхши хотин — уй эгаси, ёмон хотин — йўл эгаси.

***

Бўлар бола етти ёшида бош бўлар,
Бўлмас бола ўттизда ҳам ёш бўлар.

***

Яхши аёл ёмон эркакни тузатади.

***

Ақлли эрнинг ичида олтин эгарли от ётар,
Ақлли аёлнинг ичида олтин бешикли ул (ўғил) ётар.

***

Эрнинг яхшиси, эл би-

Спорт

КАТТА ЮТУҚ КИЧИК МАЙДОНДАН БОШЛАНАДИ

Ҳозирги вақтларда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кескин бурилишлар юзага келаётган бир пайтда футболни оммалаштиришга бўлган эътибор барчани ҳам шубҳасиз қувонтирмоқда. Мана, яқинда Президентимиз И. Каримовнинг Швейцариянинг Лазанда шаҳрига қилган сафаридан шу нарса аёнки, ушбу мамлакат раҳбарлари ҳам Президент илгари сурган ғоялардан хурсандлирлар. Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатга жавобан Халқаро Олимпия қўмитасининг бош котиби жаноби Хуан Антонио Самаранж қўмита олий нишони — «Олтин олимпия» унвонини шахсан унга тақдим этиб, Ўзбекистон Спорт қўмитасига ўзининг юксак ишончини билдирди.

Ҳа, спорт инсоннинг камолоти, қолаверса, ҳар бир буюк мамлакатнинг халқаро нуфузи учун хизмат қиладиган муҳим бир манбадир. Фуқароси жисмонан бақувват давлат эса ҳеч қачон енгилмайди.

Спортни ривожлантириш соҳасига Фарғона вилояти Риштон туманидаги 1-ўрта мактабда ҳам жиддий эътибор қаратилган. Мактаб жамоаси, қолаверса, барча жисмоний тарбия ўқитувчиларининг чексиз жонкуярликлари боис, мактаб стадиони ҳашар йўли билан қайта таъмирдан чиқарилди. Югуриш йўлкалари, қўл тўпи, волейбол, баскетбол майдончалари ҳавас қилса арзигулик ҳолатга келтириб қўйилди. Мактабда ўқувчилардан тузилган футбол жамоаси айни кунда туман миқёсида яхшигина кўрсаткичларга эришмоқда. Енгил атлетика, миллий кураш тўгаракларида қатнашишни хоҳловчи ўқувчилар сони эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Умуман, мактабда бу соҳада жиддий силжишларга эришилмоқда. Лекин бундай ишларни амалга ошириш биргина мактаб ёхуд жисмоний тарбия муаллимининг ўзи билангина кифояланиб қолмаслиги барчага ойнадек равшан.

Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ёки шунга яқин ҳомий ташкилотлар салгина эътибор кузи билан қараб қўйсагина, кўзланган чўққини забт этиш мумкин. Бу борада мактаб жамоаси сира нолимайди. Негаки, ҳар бир қилинаётган эзгу ишнинг бошида албатта юқори ташкилот раҳбарлари туришибди. Моддий етишмовчиликларга ҳам аллақачон барҳам бериб бўлинган. Хулоса қилиб айтганда эса, риштонлик ёш спортчилар келажакда албатта буюк бўлади.

И. СОТИБОЛДИЕВ,
1-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси.



Тан ва руҳ бир-бирига боғлиқ икки унсур. Икковининг такомили камолот аталмиш чўққига олиб чиқади. Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли иқтидорли болаларнинг кўп тармоқли «Халқобод» лицей-интернатида ҳам тан ва руҳ такомилига катта эътибор билан қарашади.

Суратда: жисмоний тарбия ўқитувчиси Баҳодир Бурашов ўз шогирдлари билан.

Р. Галиев олган сурат.

Таълим фидойилари

ТИЛ СОҲИБИ

Кишининг касб танлашида бирор-бир жиддий сабаб бўлиши табиий ҳол. Хайрулланинг ҳам келгусида чет тили муаллими бўлишида устози — Пахтачи туманидаги 13-ўрта мактабнинг немис тили муаллими Дора Андреевна Шульцнинг хизмати катта бўлди. Ўқитувчисининг «Тил билган эл билади, тил соҳиби халқ дилини билади», деган сўзлари унинг хотирасида маҳкам ўрнашиб қолди. Устозининг немис тили қонун-қоидаларини ўргатиш билан бир қаторда Гёте, Гейне, Шиллер асарларини ўз она тилида, сўнгра эса рус ва ўзбек тилларида ёддан ўқиб беришига у қойил қоларди. Тажрибали ўқитувчи бу тилни бутун бойлиги, гўзаллиги, жозибаси билан ўқувчилар қалбига етказарди. Устоздек бўлиш орзуси бора-бора ёш Хайрулланинг мақсадига айланди.

Хайрулла ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига ҳужжатларини тошширди ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Институтда таҳсил олар экан, унинг немис тили тўғрисидаги дастлабки тасаввури янада кенгайди. У бу тилни ёшларга ўргатиш услубларини қунт билан ўрганди. Бунда Галиасқарова, Т. В. Крахмальная, С. А. Кестен, А. П. Упарова сингари ўнлаб профессор-ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлди.

«Инсон умри оқар дарё», дейишади. Талабалик йиллари ортда қолиб, Хайрулла Ҳусановнинг ўқувчиларга немис тилидан дарс бераётганига ҳам мана 33 йилдан ошибди. У 1962 йилдан бошлаб Пахтачи туманидаги аввал 1-ўрта мактабда, шундан сўнг эса 6- ва 41-ўрта мактабларда ўқувчиларга чет тилидан сабоқ бериб келмоқда. У ҳар бир дарсни ўз касбига чинакам меҳр-муҳаббат, садоқат, юксак маҳорат билан ўтаяпти. Шунинг учун ҳам тажрибали педагог ишлаган ҳар уч мактабда унинг кўплаб издошлари етишиб чиқди. Пахтачи тумани мактабларида меҳнат қилаётган 30 нафарга яқин чет тили ўқитувчилари, жумладан, Бурхон Сатторов, Дилором Ҳусанова, Тожи Алимов, Гулнора Жўрақулова, Исроил Икромов, Шавқиддин Шоймонов, Хушвақт Жураева, Роҳат Бобоёрова, Абди Давлатов, Аҳтам Баҳронов, Бувтош Ҳусанова, Фахриддин Ғафуров сингари шогирдлари Хайрулла аканинг номини устоз сифатида катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади.

Катта масъулият ва тинимсиз изланишлар билан йўғрилган меҳнат ўз қадрини топиши, қадрланиши шубҳасиз. Хайрулла Ҳусановга 1980 йилда «Катта ўқитувчи» даражаси берилди. Беш йил утиб эса «Меҳнат фахрийси» нишонига сазовор бўлди. 1994 йил бошига келиб «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Биз устознинг меҳнат фаолияти билан танишар эканмиз, айни пайтда ҳам ёшларга хос ғайрат-шижоат билан ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мактабнинг немис тили фанини ўқитиш хонаси энг замонавий таълимнинг техникавий воситалари билан жиҳозланганлигини кўрдик. Мактаб ўқувчиларининг чет тилидан ҳар йили ўтказиладиган туман ва вилоят мусобақаларида (олимпиадаларида) фахрли ўринларни эгаллаб келаётганлиги ҳам шунинг натижасидир.

Устознинг ибратли ҳаёт ва меҳнат фаолиятига бағишланган тадбирда қатнашган, айни пайтда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган шогирдларидан Адолат Қиличева, Гулбаҳор Жамоловаларнинг соф немис тилида сўзлашини тинглаб ҳавасимиз келди. Немис тили хонасидаги ўқувчиларнинг Германия ва бошқа давлатлардаги тенгдошлари билан ёзишмаларидан намуналар ҳам бу ерда тил ўрганиш амалий ишлар билан қўшиб олиб борилаётганлиги ва у кутилган самарани бераётганлигини кўрсатди.

Биз ҳам устозга, доим соғсаломат бўлинг, эзгу мақсад йўлида ҳорманг, деймиз.

Олим ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Қутлов

АЗИЗ ВА ҚИММАТЛИ ТОШХОН ОБИДОВНА!

Умрингизнинг сермаъно баҳорини халқ таълимининг мактабгача тарбия тизимига бағишладингиз. Ўтган йиллар ичида фидойи меҳнатингиз учун Халқ маорифи аълочиси бўлдингиз.

Республика Мактабгача тарбия раҳбар ходимлари малакасини ошириш курси директори лавозимидаги самарали меҳнатингиз билан мактабгача тарбия ходимлари малакасини оширишга салмоқли хисса қўшдингиз.

Ҳамма шогирдларингиз қатори биз ҳам табаррук 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Соғлик-саломатлик, хушкайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Республика мактабгача тарбия раҳбар ходимлари малакасини ошириш курси ходимлари.

Ота-оналар учун тест

БОЛАНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган тест, асосан ота-оналарга мўлжалланган. Бу тестдан синф раҳбарлари ҳам ишда фойдаланишлари мумкин. Тест ёрдамида синалувчиларнинг ота-она сифатида тарбиячилик вазифасини қай даражада эгаллаганликлари аниқланади. Олинган натижаларга асосан синалувчилар билан психологик тузатиш ва психологик маслаҳатлар олиб бориш мумкин.

Бунинг учун тадқиқотчи (бу ўринда мактаб психологи ёки синф раҳбари) олдиндан жавоблар учун махсус варақа тайёрлаб олади. Бу варақа оддий дафтарнинг ярим бетига қуйидаги шаклда қайд этилади:

Жавоблар учун варақа

Ўқувчининг исми, шарифи _____

Отаси _____ **Онаси** _____
(жавоб бераётган одамнинг исми-шарифи ёзилади)

Синов ўтказилган вақт _____

Қўшимча маълумотлар _____

Т.р.	Ҳа	Баъзан	Йўқ
1.			
2.			
3.			
4.			
.			
.			
.			
19.			

Жавоблар учун тайёрланган варақа ҳар бир ота-онага тарқатиб чиқилгандан сўнг, унинг тегишли жойлари ота-она томонидан тўлдирилади. Ҳар бир синалувчи ўз фарзандининг исми-шарифи ва ўз фамилиясини ёзади. Варақа тайёр ҳолатга келтирилгандан сўнг уларга қуйидаги кўрсатма бўйича тест саволлари берилади. Синалувчилар ўз жавобларининг тегишли жойига «+» белгиси қўйиш билан жавоб берадилар.

«СИЗ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЧИСИЗ?»

Синалувчиларга кўрсатма:

Қуйида келтирилган саволларга ўз фикрингизга мос жавоблар ёзинг. Жавоб бериш учун узоқ ўйланиб ўтирманг. Хаёлингизга келган биринчи жавобни беришга ҳаракат қилинг. Иложи борича тез ва самимий жавоб беришга интилинг.

	«ҲА»	«БАЪЗАН»	«ЙЎҚ»
1. Боланинг баъзи саволларига: «Қачон катта бўлсанг, ўшанда айтаман», деб жавоб қайтарасизми?	—	—	—
2. Майда харажатлар учун болага пул берасизми?	—	—	—
3. Агар болани бирор масалада инкор қилсангиз, унга сабабини тушунтириб берасизми?	—	—	—
4. Боланинг сизга берадиган ёрдамидан фойда кам ёки умуман фойда бўлмаслигини била туриб, унинг у-бу ишларни бажаришда сизга ёрдам беришини истайсизми?	—	—	—
5. Сиз болага нисбатан муносабатда арзимас (кичик) ёлғон бўлиши мумкин деб ҳисоблайсизми?	—	—	—
6. Сиз болада қузатувчанликни ривожлантириш учун ҳаётий мисоллардан фойдаланасизми?	—	—	—
7. Болалар иштирокида танишларингизни танқид қилишни ўзингизга эп кўрасизми?	—	—	—
8. Болани алдаш керак эмас, деб ҳисоблайсизми?	—	—	—
9. Сиз болаларга ҳам барча ҳаётий фактларни тўла тушунтириб бериш керак деб ҳисоблайсизми?	—	—	—
10. Тарбияга доир китоблар ўқийсизми?	—	—	—
11. Сиз ҳатто энг кичик ёшдаги болалар ҳам ўз сиригa эга бўлишга ҳақли деб ҳисоблайсизми?	—	—	—
12. Агар бола овқатланганда идишда овқатни қолдирса, уни жазолаш билан қўрқитиш ҳоллари сизда бўлиб турадими?	—	—	—
13. Болада мустақиллик ва ўзига нисбатан ишонч ҳиссини ривожлантиришга қандай қарайсиз?	—	—	—
14. Бола қувончини баҳам кўра олишни биласизми?	—	—	—
15. Бўш вақтларингизни болалар билан мароқли ўтказа оласизми?	—	—	—
16. Ўз фарзандингиз қобилиятини намойиш қилишни ёқтирасизми?	—	—	—
17. Сиз бир айттандаёқ айттанингизни қилдира оласизми?	—	—	—
18. Агар болангиз инжиқлик қилаётган бўлса, сиз бутунлай хотиржамликни сақлай оласизми?	—	—	—
19. Фарзандларингиз дўстлари билан дўстликни боғлай оласизми?	—	—	—

Синалувчиларнинг жавоблари ушбу калитда кўрсатилган рақамлар бўйича баҳоланади. Баҳолар жавоб варақасидаги сўнгги устунга ёзилади.

ТЕСТ КАЛИТИ

Савол / Жавоб	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
ҲА	0	3	3	4	0	5	1	3	0	4	3	0	5	3	5	0	5	5	4
БАЪЗАН	2	4	2	3	3	2	2	4	3	2	2	1	1	2	1	1	0	1	2
ЙЎҚ	5	1	0	0	4	0	4	1	4	0	1	4	0	0	0	4	0	0	0

Синалувчилар жавобларига қуйилган баллар жамланиб, қуйидагича изоҳланади.

БАҲОЛАР ИЗОҲИ:

25 баллдан кам бўлса: Қаттиққўллик — яхши тарбиянинг ягона элементи эмас. Сизнинг бу принципингиз билан болани қувноқ ва баркамол киши қилиб тарбиялаш қийин бўлади.

26—56 балл: Сизнинг принципингиз умуман, тўғри, лекин сизга фақат мантиқий бўлишлик етарли эмасдек туюлмаяптими, янада реалроқ (амалийроқ) бўлиш керак.

56 баллдан юқори: Сизнинг тоқатингиз ва бола психологиясини билишингиз сўзсиз муваффақиятга олиб келади. Кимки, сизни яхши тарбиячи деб ҳисобласа, у ҳақ.

Кўпинча газета ва журналларда шу каби ихчам психодиагностик тестлар бериб борилар экан, баҳолар изоҳи берилиши билан улар якунланади. Бироқ бу тест ёрдамида синалувчиларга уларнинг бола тарбиясига ёндашишларидаги айрим хатокамчиликларни тузатишлари лозимлиги ҳақида маслаҳатлар бериши мумкин. Бунинг учун жавоблар варақасидан энг кам баҳоланган жавоблар танлаб олинади. Сўнг ҳар бирининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда синалувчиларга бола тарбиясига оид у ёки бу масалани ҳал этишга қандай ёндашиш лозимлиги бўйича ўринли маслаҳатларни бериш имконияти туғилади.

Бериладиган маслаҳатларни «ўринли» деб таъкидлашимизнинг боиси шуки, тест саволларига жавоб беришар экан, синалувчилар ўзларига қайси масалалар юзасидан маслаҳатлар берилса, улар тан олишликларини (нолга баҳоланган жавоблар) билдириб қўядилар ва айнан шу масалаларда берилган маслаҳат («насиҳатлар») уларга малол келмайди.

Ўқитувчи томонидан ўз фаолиятида, ота-оналар билан ишлашда ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда ва амалга оширишда юқорида келтириб ўтилгани каби психодиагностика тестларидан фойдаланиш сўзсиз қўл келади.

Нурмат СОҒИНОВ,
психология фанлари номзоди, доцент.

«ГУЛДАСТА»НИНГ ГУЛ ҚИЗИ

Бўз туман халқ таълими бўлимига қарашли «Гулдаста» болалар боғчасининг тарбиячиси Салимахон Юнусова ўз соҳаси бўйича етарли тажриба ва малакага эга.

Яқинда унинг боғчасидаги болаларнинг саводхонлигини ошириш, оғзаки нутқни ўстириш юзасидан вилоят семинари ташкил этилиб, унда қаҳрамонимиз мужассамлашган машғулот ўтказди ва болажонларнинг сеҳрли оламига қанчалар тез сингиша олишини яна бир бор исботлади.

Семинар ниҳоясида Салимахоннинг кичкинтойлари ҳам ўзларининг «тез айтиш» маҳоратларини йиғилганларга «кўрсатиб қўйишди».

Ҳ. РУСТАМОВ.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ўз касбини севувчи ва ардоқловчи, педагогик ижодиёт ва услубий маҳорат соҳасида доимий изланувчан ҳурматли устозлар диққатига!

Шарқ ва хорижий тиллари ўқувчилар томонидан жаҳон ўлчамлари даражасида ўзлаштиришга эришаётган юқори сифатли ва мазмунли таълими учун ЮНЕСКО томонидан халқаро «Жаҳон бирлашган мактаблари ассоциацияси»га аъзо қилиб олинган 309-сон Шарқ тиллари лицейи 1996—97 ўқув йили учун ўқувчилар танловини эълон қилади.

Шарқ тиллари (араб, ҳинд, урду, форс, турк), инглиз тили, математика, иқтисодиёт ва барча умумтаълим предметлари бўйича ўқитувчилик касбига меҳр қўйган, ўз предметининг назарий ва таълим асосларини чуқур эгаллаган, камида 3 йил педагогик маҳоратини оширган ижодкор муаллимлар лицейда доимий ишлаш учун танловда иштирок этишга таклиф этилади.

Танлов тест ва суҳбат асосида ўтказилади. Танловда педагогик маҳоратни аниқловчи психологик ва услубий тестлардан, шунингдек, ўқитувчининг ихтисослик предмети бўйича назарий тестлардан фойдаланилади.

Лицейда ижодкор ўқитувчи шахсининг камол топиши, унинг самарали меҳнат қилиши учун барча иқтисодий, ижтимоий-руҳий шароитлар яратилган. Жумладан, ўқитувчиларнинг иқтидори ва педагогик маҳоратини моддий жиҳатдан етарли даражада тақдирлашнинг махсус мезонлари ишлаб чиқилган.

Суҳбат ва тестлар 1 августдан 10 августгача ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, О. Бобожонов кўчаси, 20-уй.

Транспорт: автобуслар — 10, 14, 85, 100,трамвай — 27, троллейбус — 27.

Шимолий олмазор бекати, телефон — 48-50-97.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти қошида ташкил этилган иқтидорли ўқувчилар педагогика лицейи 1996-1997 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилади

Лицей Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 9-синфни 1996 йилда битирган иқтидорли ўқувчиларни 10-синфга махсус тестлар ва суҳбат натижалари асосида қабул қилади.

Лицейда дарсларни институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Унда асосий эътибор физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, тарих, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларини чуқур ўргатишга қаратилади.

Ўқишга кирувчиларнинг аризалари 1996 йилнинг 1 июнидан 26 июнигача қабул қилинади. Лицейга кирувчи ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

Лицей директори номига:

1. Институт ректори номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ва нусхаси.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 6 та сурат (3х4).
6. Соғлиғи ҳақида маълумотнома (086 формада).

Лицей ўқувчиси сафига чуқур ўрганадиган фанига қараб физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёти, тарих фанларидан ўтказилган суҳбат ва тест натижаларига қараб қабул қилинади (27-29 июнда).

Лицейга кирувчиларнинг ариза ва ҳужжатлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти биноси.

Телефонлар: 55-55-74, 55-55-76.

11-троллейбус, 135-автобусларнинг «Педагогика институти биноси» бекати.

Хулласи...

«ҚУШИҒИМ, ЖОН ҚУШИҒИМ»

Янги Зеландия радиостанциясида қизиқ воқеа бўлиб ўтди. Бинога бостириб кирган ёш йигитча радиостанция директорини гаровга олди ва эфирга ўзи ёқтирган қўшиқ берилишини талаб қилди. Агар истаги қондирилмаса, бомба ишлатишдан ҳам қайтмаслигини дўқ-пўписа билан таъкидлади.

Томоша пардасини полициячилар ёпишди. Аниқланишича, қўшиқ шайдосининг бомбаси ҳам ясама экан. Нима бўлса ҳам, мусиқа таҳририяти йигитчанинг талабини бажармади. Тўғрироғи у қўшиқ радио архивида умуман йўқ экан.

ЎЙНАШМАГИН... ШЕР БИЛАН

Челябинск ҳайвонот боғининг тунги қоровули шер панжасидан зўрға қутулиб қолди. Унинг қандай қилиб шер ётган панжарага тушиб қолганию ундан қандай қилиб чиқиб кетгани ҳозирча номаълум. Гувоҳлар эса умуман йўқ. Чунки воқеа ҳамма уй-уйига тарқаган пайтда содир бўлган. Лекин тахминларга қараганда, қоровул шер олдидаги гўштни олмоқчи бўлган. Қисқаси ҳозир жабрланувчи оғир аҳволда касалхонада ётибди.

ОЛОВНИНГ ҚАЛОВИНИ ТОПГАН

Бомбей шаҳри фуқароси Рамбау Свамиджи ўзининг жисмоний ва руҳий кучини антиқа усул билан намойиш этмоқчи бўлди. У оловга ўта чидамли бўлган ғиштлардан махсус қурилган ва олов қуршовида бўлган қозонга ўтирди. Ва инсоният соғлиги учун ибодат қила бошлади. Маросимдан сўнг муқаддас Свамиджи ота (шогирдлари уни шундай аташади) айтишича, йог машқлари билан шуғуллангач, унинг танасига олов чикора бўлиб қолибди.

ЎҒИРЛИК МОЛЛАРИ МУЗЕЙИ

Маълумингизки, Миср ер юзидаги энг қадимий мамлакат. Бу ердаги тарихий ёдгорликларнинг саноғию баҳоси умуман топилмайди. Бироқ ана шу ёдгорликларни четга олиб кетиш кейинги йилларда авж олмоқда.

1992 йилда Қоҳирада музей ташкил қилинди. У «Ашёвий далиллар музейи» деб аталади. Музейда мамлакатдан олиб чиқиб кетишга уринилган тарихий обидалар сақланади. Ҳозиргача музей жиҳозлари 2 мингдан ошиб кетган.

ана шунақа гаплар.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, жамоа ташкилотлари ва факультетлараро «Ўзбекистон тарихи» кафедраси жамоаси кафедра доценти М. Тожиевага онаси РАҲИМА АЯ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456